
ЎЗЎВОНДА ПИЛЛА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Ўзёвон туманида пиллачилик бўйича ўзига хос мактаб яратилган. Бу йилги мавсумда 2 минг 34 қути ипак қурти асосан плёнка остида парваришланди. Натижада ўзёвонлик пиллакорлар вилоятда биринчи бўлиб “кумуш тола” теришга киришишди.

– Пилла етиштиришнинг плёнка усули афзалликлари кўп, – дейди “Ўзёвон агропилла” МЧЖ бош ҳосилоти Йўлдашали Исабоев. – Бунда намлик яхши сақлангани сабаб, барг озуқаси исроф бўлмайди. Энг асосийси, анъанавий усулга нисбатан пилла тез етилади. “Ўзёвон агропилла” билан пилла етиштириш бўйича шартнома тузиб, янги услубда иш ташкил қилган 226 та фермер хўжаликлари ва 600 нафардан зиёд касаначилар шартномада белгиланган пиллани ошиғи билан етиштиришмоқда.

Туманда узоқ йиллар давомида ипак қурти парваришлаб, бунинг устаси бўлиб кетган тажрибали пиллакорлар кўп. Чўлигулистон МФЙда яшовчи Суйдихон она Раҳмонова ана шундай тажрибали пиллакорлардан саналади. Жорий йил ҳам турмуш ўртоғи, ўғиллари, келинлари билан 3 қути ипак қурти парваришладди. Онахоннинг бугунги қувончи чексиз. Тумандаги пилла териш мавсуми айнан унинг хонадонидан бошланди.

Туманда ушбу мавсумда 118 тонна “чиллаки ҳосил” етиштириш кўзланган. Етиштирилган ҳар бир килограмм пилла учун қабул жойида 32 минг сўмдан тўлов қилиниши белгиланган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-05 14:05:44